



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

РЎЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 29 июнь • шанба •
№ 124 (10.120). Баҳоси 10 тийин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ
ВА БИРЛАШМАЛАРИНИНГ 1991 ЙИЛДА ВАЛЮТА РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланиш тартибини ўзгартириш тўғрисида

Деҳқончилик — саноат комплекси корхоналари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароит яратиб мақса-

дида қарор қиламан:

1. СССР Президентининг «1991 йилда валюта ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида тартиби тўғрисида»- ги 1990 йил 2 ноябрь фармонининг 3-моддаси (СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Кенгаши ахборотномаси, 1990 йил, 45-

сон, 978-модда) қисман ўзгартирилиб, СССР ташқи қарзини тўлашни таъминлаш учун СССР ташқи иқтисодий фаолият банкига сотилиши шарт бўлган маҳсулотни (ишни, хизматни) экспорт қилишдан тушган валюта миқдори мулкчиликнинг шаклидан, қайси идорага ва ҳудуд-

га қарашли эканлигидан қатъи назар деҳқончилик — саноат комплекси корхоналари, ташкилотлари ва бирлашмалари учун уларнинг хориждан технологиялари, қишлоқ хўжалик техникасини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун технология машина-ускуналарини, уларга эҳтиёт қисмларни, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини, насли қишлоқ хўжалик ҳайвонларини, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, ветеринария дори-дармонларини, қурилиш материаллари ва конструкцияларини иш-

лаб чиқариш учун машина-ускуналарни сотиб олишга валюта харажатлари миқдоридан камайирилиши белгилаб қўйилсин.

СССР Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармоннинг амалга оширилишини таъминласин.

2. Ушбу фармон чиқарилган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 27 июнь.

БАЙРАМ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!



Ишда, ижода, доний елкадош ҳамкасб дўстларимиз — «Тошкент оқшом» — «Вечерний Ташкент» рўзномалари захматкашлари, кўп сонли фаоллари, жамоатчи мухбирлари ўзига хос байрамни нишонламоқдалар. ЧИҚА бошлаганига 25 йил бўлган бу рўзномалар чорак асрдан буён Тошкент меҳнаткашларининг бунёдкорлик ишлари, ҳар кунги жўшқин ҳаётининг солномачисига айланди. Биз «Оқшом» журналистлари муштарийлар ишончи ва меҳрини тобора кўпроқ қозонишларини ис- таб, уларга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Рўзноманинг 25 йиллиги- га бағишланган байрам тадбирлари 1 июль соат 16 да Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилади.

(«Тошкент оқшом»- нинг 25 йиллигига бағишланган материалларни рўзномамизнинг 4—5-саҳифаларида ўқий- сиз).

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви»: якунлар ва истиқболлар

26 июнь кўни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида шу йил 18—22 июнда ўтказилган биринчи «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» якунлари чиқарилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Мажлисида бўлиб ўтган учрашув жумҳуриятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий турмушида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги, умуман унга боғланган умидлар ва режаларни оқлаганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон ССР ижтимоий-иқтисодий мустақил- лик йўлидан ишонч билан бораётганини, халқаро бо-

зорга дадил чиқаётганини мазкур учрашув тасдиқлади.

Учрашув ҳорижий ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди. Шунинг айтиши киёфойки, Тошкентга қирқ тўрт мамлакатдан 330 давлатлараро корпорациялар, фирмалар, компаниялар ва банкларнинг 500 нафардан ортиқ вакили келди. Учрашув давомида қирқта қўшма корхона барпо этиш тўғрисида битимлар тузилди, кўплаб яхши ният протоколлари имзоланди, уларнинг аксарияти амалда рўёбга чиқиши лозим. Мана шуларнинг ҳаммаси жаҳон мамлакатлари, уларнинг савдо-саноат доиралари, чет эллардаги ватандошлари-

миз бизга ғоят қизиқиб қарабгина қолмай, шу билан бирга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларидан ҳам дарак беради. Бу Ўзбекистон ССР- нинг давлат мустақиллиги ҳақида жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида қабул этилган декларация амалда рўёбга чиқаётган- лигининг яна бир ёрқин исботидир.

Ғарб ишбилармонлари Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий имкониятларини, унинг бой табиий ресурсларини, республиканинг жадал суръатлар билан ривожланишга қодирлигини ўз кўзлари билан кўрганликлари муҳимдир. Бу эса Ўзбекистон ССР халқаро бозорга

фақат анъанавий хом ашё билан эмас, шу билан бир- га халқ хўжалиги ўнлаб тармоқларининг тайёр маҳсулотни билан фаол қўшилиш имкониятига эга эканлигидан далолат беради.

Жумҳуриятда режалаштирилган ишларни тезроқ ҳал қилиш учун ҳорижий сармояларига эмас, балки энг муҳими — илғор технологиялар, бозор эҳтиёжларини тезда ва самарали ҳисобга олиб, уни халқ истеъмол моллари билан тўлдир- а оладиган қўшма корхоналар зарур. Бундай ишларнинг намуналари ҳозир- нинг ўзидаёқ мавжуд.

Ҳозир Ўзбекистон чет эллик савдо-саноат доиралари ва мижозлар билан

мустақил ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги маж- лисда алоҳида таъкидлан- ди. Халқаро бозор — вужудга келган иқтисодий ва- зиятдан қўтулишнинг, муш- кул муаммоларни ҳал этиш- нинг, халқни озиқ-овқат, энг зарур моллар билан таъминлашнинг ва ниҳоят жумҳуриятда барқарор ва- зиятни вужудга келтириш- нинг тўғри ва соз усулла- ридан биридир.

Мажлисида турли йўллар билан фойда олиш мумкин- лиги айтиб ўтилди. Фойда олишнинг энг осон ва ун- ча истиқболли бўлмаган йў- ли у ёки бу турдаги маҳсу- лот ишлаб чиқаришни мо-

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви»: яқунлар ва истиқболлар

(Боши 1-бетда).

нополия қилиб олган корхонанинг ўз маҳсулоти нархини оширишидир. Лекин «Совпластитал» каби бошқача йўл ҳам тутиш мумкин: у 2 апрелдан кейин оширилган барча маҳсулотларининг нархини мустақил равишда камайтирди. Юзаки қараганда, корхона бундан бир неча ўн миллион сўм зарар кўради, аммо нархнинг камайтирилиши қўшма корхонага амалда фойда келтиради, айти пайтда истеъмол бозоридаги кескинликни пасайтиради.

Фақат соғлом рақобат тўпланиб қолган муаммоларни тез ва самарали ҳал этишга, ички бозорни ҳозир тақчил бўлиб қолган маҳсулотлар билан тўлдирishга қодирдир. Мувозий равишда бошқа вазифани ҳам ҳал этиш: тайёр маҳсулот билан халқаро майдонга чиқиш мумкин. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг, валюта олишнинг кафолатли йўлидир.

Бунга «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» ҳам кўмаклашди. Маълумки, рес-

публика вазирликлари ва идораларида бундай тадбирлар ўтказиш тажрибаси йўқ эди. Ишбилармонлар анжуманининг яқунлари салмоқли эканлигига қарамай, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида асосий эътибор камчиликларга қаратилди.

Хусусан, ўтган учрашув ҳеч истисносиз барча вазирликлар ва идоралар учун жиддий имтиҳон бўлганлиги таъкидланди. Бу синовдан уларнинг ҳаммаси ҳам ўта олмаганлиги тўғрисида мажлисда рўй-рост гапирилди. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети, «Узаврострой» гарчи қўшма корхоналар барпо этиш, ўз маҳсулоти билан ташқи бозорга муваффақиятли равишда чиқиш учун катта имкониятларга эга бўлсалар ҳам, музокаралардан четда турдилар. Айрим раҳбарлар чет эллик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли алоқани йўлга қўя олмадилар ва ҳатто бундай қилишга интилмадилар ҳам. Улар ва шу каби бошқа

раҳбарлар аввалгидек истеъмолчилик фалсафаси билан яшаб, давлат маблағини беринглар, ресурсларни беринглар, деган ва шу каби кайфиятда юришибди. Аммо ўзлари, жумладан, ишбилармонлик соҳасида ҳеч қандай ташаббус кўрсатмадилар.

Бу муҳим тадбирга расмийлик билан ёндошганлар қаттиқ танқид қилинди. Айрим раҳбарлар ўз олдиларига зиммаларига ҳеч қандай мажбуриятлар юкламайдиган муддаолар тўғрисидаги протоколлар имзолашни вазифа қилиб қўйдилар. Улар синовдан ўтган бюрократик машина ўзларининг яна чет элга боришларига, у ерда пировард натижада ҳеч қандай натижа бермайдиган юзаки музокаралар олиб боришларига имкон беради, деб ҳисобламоқдалар.

Энди бунга йўл қўйилмайди, деб таъкидлади ўз нутқида Ўзбекистон ССР Президенти. Бозор муносабатларига ўтиш, ташқи иқтисодий масалаларни ҳал қилишда республиканинг мустақиллиги мутахассисларнинг пухта тайёргарликка эга

бўлишини, уларнинг тижорат битимларини муваффақиятли туза олишларини талаб қилади. Шу сабабли ёш мутахассислар ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳеч пайсалга солимай менежмент, маркетинг, бизнес сирларини, мунтазам ўзгариб турадиган бозор талабларини ўрганишлари лозим. Учрашув чоғида бир қанча ҳорижий фирмалар билан ахдномага эришилди. Бу ахдномаларга мувофиқ улар ўзбекистонлик мутахассисларга бозор иқтисодиётининг сир-асорларини ўргатишни ўз зиммаларига оладилар. Лекин бунинг битта шарт бор. Мутахассислар чет тилларни билишлари шарт.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида яқинда ташкил этилган республика товар биржаси тўғрисида алоҳида гап бўлди. Бу — иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичи, хом ашё ва маҳсулотлар юқоридан тақсимлаб бериладиган буйруқбозлик-бюрократик тизимдан ҳақиқатан ҳам узоқлашишидир. Биржа ишини қўлайтириш, унинг фаолияти соҳаларини кенгайтириш зарур деб топилди.

Айни пайтда, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар, камчиликларга қарамай «Тошкент ишбилармонлар учрашуви» республика иқтисодий турмушида кўп жиҳатдан бурилиш палласи бўлди. Шартномалар тузиш, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришлар барпо этиш соҳасида бошланган катта иш аниқ натижа бериши керак. Ярим йўлда тўхтаб қолиб бўлмайди. Белгиланган режаларнинг ҳаммаси, иқтисодий жиҳатдан наф келтирадиган ишларнинг ҳаммаси, халқ турмушини яхшилашга кўмаклашиши лозим бўлган тадбирларнинг ҳаммаси амалда рўёбга чиқарилиши керак. Тошкент учрашуви Ғарбдаги йирик корпорациялар, компаниялар, фирмалар ва банклар Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқлилиги асосида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини тасдиқлади. Жумҳуриятдаги барқарор иқтисодий-сиёсий вазият, жумҳурият меҳнаткашларининг ўз турмушини ўзгартириб, уни яхшилаш истаги ҳорижий ишбилармонлар учун бу ерда асосий гаров бўлди.

(ЎзТАГ).

ҲАР БИР ТАШКИЛОТ, ҲАР БИР КОММУНИСТ МАСЪУЛ

(Коммунистик район партия комитети пленумидан)

Ҳозирги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг роли қандай бўлмоғи керак? Уларнинг олдиларида турган вазифалар нималардан иборат? Коммунистик партия ва ҳар бир коммунист нуфузини оширмоқ учун авваламбор нималарга эътибор бермоқ лозим? Қайси бошланғич партия ташкилотлари янги иқтисодий шароитларда ўрнатилган кўрсаткич ишлаштиру, қайси ташкилотлар бу борада оқсаб қолаётми? Коммунистик район партия комитетининг навбатдаги пленуми иштирокчилари ана шу масалалар ҳусусида тўхталдилар.

Пленумда «Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди талаблари асосида партиявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш борасида бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан район партия комитети биринчи котиби М. М. Маҳмудов маъруза қилди.

Нотиқ бозор иқтисодиёти шароитларида райондаги вазият, бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган фаолият қўламлари, партиявий-сиёсий ишларни такомиллаштириш йўлида жойларда амалда оширилаётган ишлар, ечимини қўлиб ётган муаммолар ва бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб, партия ишини, хусусан мафкуравий фаолиятни янада жонлантириш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Жамоалардаги бошланғич ташкилотлар олиб бораётган ишлар чуқур таҳлил этилиб, уларга прин-

ципал баҳо берилди.

Музокараларда район марказий касалхонаси бошланғич партия ташкилотининг котиби Э. Бойматов, ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси тоқари, вилоят партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди делегати А. Кубирев, уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгашининг раиси Ж. Ақбеков, «Ленинский путь» жамоа хўжалиги маданият саройининг директори Д. Ли, «Соҳибкор» шўро хўжалиги партия ташкилоти котиби Н. Душаевлар сўзга чиқдилар. Улар бошланғич партия ташкилотлари ҳамда ҳар бир коммунист фаоллигини, жанговарлигини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги тўғрисида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қўриб чиқилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида вилоят партия комитети котиби Ш. И. Жалилов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Пленум сўнггида райондаги 5-автокорхонадан партия сафига ўтган бир гуруҳ транспортчиларга партия билетлари топширилди.

Шунингдек, ўша кунни район партия комитетининг биринчи котиби М. М. Маҳмудов К. Маркс номли жамоа хўжалиги партия комитети котиби Молдабек Қосимовнинг 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан уни халқ депутатлари район Кенгаши, район партия комитети номидан табриклаб, унга район партия комитетининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалар топширди.

• Бугун—рационализаторлар ва ихтирочилар кун

КАШФИЁТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

Биз йиллар давомида фан ва техниканинг деярли барча тармоқларида мислсиз янгиликлар яратдик. Қанчадан-қанча маблағлар сарфладик. Лекин уларни ҳаётга татбиқ этишда шунчалик оқсидикки, бунинг натижаси ҳозирда бутун дунёга равшандир.

Рационализатор ва ихтирочиларимиз йилга 200 мингга яқин янгилик яратганликлари ҳақида ариза берсалар, шундан 80 мингтаси ростмани кашфиёт деб тан олинар экан. Лекин шу 80 минг кашфиётнинг қанчасидан халқимиз манфаати йўлида фойдаланмоқдамиз? Ихтирочиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай чоралар кўришмоқда?

Пойтахтимизнинг Фучик номидаги кўчасида жойлашган «Парис» патентли хизматлар Бутуниттифоқ маркасининг Тошкент филиалида бўлганида унинг директори ўринбосари С. В. Киданова билан суҳбатлашдим.

— Светлана Владимировна, марказингиз қандай хизматлар кўрсатади? Рационализатор ва ихтирочилар учун нима янгиликлар жорий этилмоқда?

— Мазкур марказимиз Тошкентда йигирма йил муқаддам ихтиролар ва кашфиётлар бўйича Давлат комитети томонидан ташкил этилган ва Ўрта Осиёда ягона-дир. Ихтирочи ва рационализаторларнинг кашфиётлари ҳужжатларини тайёрлаб бериш, уларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

асосий вазифамиз ҳисобланади.

Айни кунларда ихтирочилик ҳақидаги янги Иттифоқ қонуни кучга киради. Унда ҳозирги муаллифлик гувоҳномаси ўрнига «Патент» шаклидаги ҳужжатнинг амалда қўлланилиши назарда тутилди. Бу деган сўз эндиликда патент эгасининг руҳсатисиз унинг кашфиётдан фойдаланиш мумкин эмас. Бундан ташқари патентни чет элга сотишга руҳсат этилиши ҳам янги қонунда кўзда тутилган.

Биз барча рационализатор ва ихтирочиларга янги қонунни батафсил тушунтирган ҳолда лицензия битим ва шартномаларни расмийлаштиришга ҳамда ҳорижда патентлаш учун материалларни ҳозирлашга кўмаклашамиз, маслаҳатлар берамиз. Ихтирочининг ишлаб чиққан материаллари жаҳон миқёсидаги техник ечим бўла оладими, йўқми, профессоронал даражада аниқлаб беришимиз мумкин.

Бизнинг ёрдамимизга кўлаб кашфиётчилар муҳтождирлар. Марказимизда турли хил илмий-техник ва конъюнктуралар — иқтисодий аҳборотлардан фойдаланилган ҳолда зарур патент тадқиқотлари ҳам ўтказилади.

— Жорий этилмаётган муҳим ихтиролар ҳақида нима-лар дея оласиз?

— Бундай кашфиётлар сирасига республикамизнинг ўзидан бир қанча ми-

сод келтириш мумкин. Ҳозирда бинокорлик учун энг зарур ҳисобланган маҳсулот цемент тайёрлашнинг янги принципал технологияси бизнинг тадқиқотчиларимиз томонидан ишлаб чиқилган эди. Бу — цементни паст ҳароратда синтез қилишга асос бўла оладиган ва ёқил-ғи-энергетика ресурсларини иқтисод қиладиган технология эди. Юқоридаги ихтиро учун гувоҳнома берилганлигига эса ўн уч йил бўлмоқда. Яна Тошкент Давлат тиббиёт олий билимгоҳининг бир гуруҳ шифокорлари томонидан яратилган кашфиёт мана беш йилдирки, амалий қўлланилмапти. Бундан ташқари геолог-нефтичилар, геолог-сейсмологлар томонидан кашф қилинган илғор технологиялар ҳанузгача жорий этилмаган.

Эндиликда аҳволни ўзгартирмасак бўлмайди. 1986 йили қайта қуриш бошланганда илмий-техникавий тараққиётсиз қайта қуриш бўлмайди, деб бор овоз билан гапирилган эди. Амалда шундай бўлмоғи учун ҳар бир кашфиётга, ихтирога ўз вақтида муносабат билдириб, уни жорий этишда фаол ҳаракат қилмоқ лозим. Токи рационализатор ва ихтирочиларимиз яратган янгиликлар, кашфиётлар қоғозларда, вазирликлар ҳамда турли маҳкамалар темир сандиқларида чанг босиб ётмасин.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

• ШУ КУННИНГ МАВЗУИ •

Илгари ҳафтада бир марта бозор бўлган бўлса (жумҳуриятимизнинг баъзи вилоят ва районларида бу удум ҳамон сақланиб келади) ҳозир бутун ҳафта давомида бозорларимизнинг эшиги очик.

Хўш, одамлар билан доимо гавжум бўладиган бозорларда деҳқон ва харидор учун қандай шароитлар мавжуд? Дастлаб шу саволимизга жавобни Янгийўл шаҳар бозоридан қидирдик. Бу ерда асосан шу атроф жамоа хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шундоққина полиз ва даладан тўғридан-тўғри келтирилади. Пойтахт бозорларидаги нарх-навога қараганда бир ярим, икки баробар арзонлигини айтмайсизми? Лекин гуруч курмакисиз бўлмаганидек, бу ерда ҳам тартибсизликлар авж олмоқда. Далада етиштирилган маҳсулотини шаҳар бозорига олиб келиб сотишни мўлжаллаган деҳқон биринчи навбатда улов масаласини ўйлайди. Уйда бирор машина бўлса яхши. Аммо улови йўқлар нима қилади?

Биз бозорнинг кираверишидаги омонатгина қурилган автобус бекатида бўлганимизда, бу ердаги манзарани кўриб дилимиз хира тортиди. Шаҳар бозори билан атроф қишлоқларни боғлайдиган ушбу автобекатда одамлар гавжум. Касса олдида эса ур-йикит, тирбандлик. Тоғора ва қоп кўтарганлар шахсий машиналар орасидан ўтолмай овора. Маҳсулотини сотиб чиққанлар катта-катта идишларини кўтаришиб, гоҳ у автобусга, гоҳ бу автобусга қараб югуришади.

Манзарани кузатиб туриб, йўловчиларни суҳбатга тортдик:

— Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигидан келдим, — деди яхтак кийиб, бел боғлаган отахон. — Исмиим Карим. Фамилиям Абдуллаев. Бозорга ўрик олиб келган эдим. Лекин шу бир тоғора ўриқни сотаман, деб асабимдан жудо бўлдим. Аввало бизнинг қишлоққа бор-йўғи битта автобус қатнайдди. У ҳам бўлса кичкинагина. Бир кунда бир марта бориб келади. Қишлоқда эса томорқасига маҳсулот экиб, етиштирганлар кўп. Хўш, улар нима қилишлари керак?

Тирикчилик-да, мева-чева олиб келиб сотамиз. Ана энди менга ўхшаган деҳқоннинг қишлоққа борган кичкина автобусга чиқиб олишини бир тасаввур қилинг: ҳамманинг қўлида мева тўла тоғора. Автобуснинг ичи тоғораларга тўлиб бўлади. Одамларга жой ҳам қолмайди. Бир амаллаб бозорга етиб келамиз. Лекин бу ерда ҳам қийинчиликларга дуч келамиз.

— Ўғлим, — деди суҳбатимизга қўшилиб қахрамон она Зулайхо Раҳимқулова. — Мен ҳам шу қишлоқданман. Узингга маълум, жумҳуриятимиз раҳбарлари биз деҳқонларни ҳақиқий ер хўжайини қилиб, ҳаммамизга томорқа ери берди. Бундан кўп хурсанд бўлдик. Лекин етиштирилган сабзавот маҳсулотларини бозорга олиб келишда қийналыпмиз. Улови борлар Тошкент бозорларини «гуллатиб» юришибди, аммо бизга ўхшаганлар нима қилишади? Қишлоққа автобус борса боради, борма-са йўқ. Шу сабаб бозорга келиб қолсақ илложи борица арзон нархда сотиб, тезроқ уйга етиб олишга ҳаракат қиламиз.

— Мен Энгельс номли жа-

моа хўжалигиданман, — деди ёшгина йигитча. — Колхозчиман. Бозорга бодринг олиб келган эдим. Кираверишда паттачи ҳар қопига икки сўмдан товон олди. Ҳайдовчи ҳам икки сўмдан олган эди. Сотиб бўлишимга озгина қолганда бошқа паттачи келиб, «таг жойи» деб яна бир сўмдан олди. Тарозига икки сўм олишди. Пулини олгандан кейин шароит яратиб бозорни тартибга туширишсин-да.

— Мен Киров номли жамоа хўжалигиданман, — деди ўзини Эркиной Ҳасанова деб таништирган аёл. — Беш фарзандим бор. Уларнинг икитаси ёш. Бозорга сабзи билан бодринг олиб келган эдим. Жой йўқ учун анча кутиб қолдим. Уйда ёш болала-

рим бор. Бунақада қачон уйга бораман? Бундан ташқари томорқага ерғоқ ва пиёз ҳам эккан эдик. Агар аҳвол шу бўлса...

Биз ҳасратлари тўлиб-тошган йўловчи ва деҳқонларнинг сўзини эшитиб, автобекат диспетчерига кирдик. Лекин у ўз ўрнида йўқ экан. Бизга кассир (исми-шарифини айтмади) жавоб қилди:

— Айб бизда эмас, ука. Автосарой раҳбарлари нечта автобус юборса, одам сонига қараб қишлоқ йўналишларига чипта сотамиз. Автобусларнинг ўзи йўқ ҳисоби...

Шундан сўнг Ҳайдовчи Исмамухаммад Хидиров билан суҳбатлашдик. У шундай деди: — «Бозор — Ниёзбош» йўналиши бўйича қатнайман. Ле-

кин биласизми, бозор олди шахсий ва бошқа машиналарга тўлиб кетади. Гоҳида автобекатдан йўналиш бўйича ўз вақтида чиқа олмаймиз. Турнақатор қўйилган шахсий машиналар йўлга чиқиб олишимизга имкон бермайди. Давлат автомобил нazorати ходимлари эса бу ерда қораларини ҳам кўрсатмайдилар. Жамоа хўжаликлари бўйича йўналишга чиқувчи талабгор Ҳайдовчилар йўқ ҳисоби. Ахир, асаббузарлик кимга ҳам керак?

Биз шаҳар давлат автомобил нazorати бўлими бошлигининг муовини Иноғомжон Эсоновдан бу ҳақда сўраганимизда, у жўяли бир жавоб бера олмади. Ваҳоланки, Ҳайдовчиларнинг айтишларига, бу ерда яқинда

бир киши автобус остида қолиб ҳалок бўлган экан.

Биз бозорга кирдик. Одам гавжум. Расталарда кўзни қамаштирувчи сархил мевалар, полиз маҳсулотлари «мана мени ол» дегандек товланади. Олувчидан сотувчи кўп. Тошкент бозорларида килоси 10 сўм бўлган меваларнинг энг қиммати олти сўм экан. Картошка, пиёзлар ҳам анча арзон. Лекин нимагадир баъзи расталар бўш бўлишига қарамай деҳқонлар маҳсулотини ерга қўйиб сотишяпти. Юришга имконият йўқ. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бозор тор ва ифлос эди. Ҳаммаёқда чиқиндилар қалашиб ётибди, пашшалар ғужғон ўйнайди. Афтидан, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари бу ерда анчадан бери бўлишмаганга ўхшайди. Маълумки, бозор ичида ичимлик сув ва маҳсулотни ювиш учун махсус сув тармоқлари ишлаб туриши лозим.

— Ҳақиқатан ҳам бозоримиз тор, — деди бизга бозор директори Абдуназар Абдурашулов. — Келаси йилдан бошлаб бозорни кенгайтириш бош режага киритилган. Ҳозир эса лойиҳа-смета ишларига 11 минг 867 сўм ажратилди.

Лекин холва деган билан оғиз чучимайди. Баҳоналардан тезроқ амалий ишга ўтиш керак. Бунинг устига мева савдоси растасида қурилган ошхонанинг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ. Деҳқонларга жой етишмайди. Ошхона эса (гарчи ишламаса ҳам) савлат тўкиб, жойни банд қилиб турибди.

Тош-тарозидан фойдаланиш кунига 1 сўм 68 тийинни ташкил қилар экан. Аммо ҳисобга тўғри қилиб, икки сўмдан олиб қолаётган тарозибон Тўлғаной Юсупова «тош-тарози етарли, камчилик бўлса тўғрилайман», дейишдан нарига ўтмади. Паттачиларни эса топиб бўлмади. Бозор раисининг айтишича, бир қоп маҳсулот учун бир сўм миқдорда товон пули олиш жорий этилган. Лекин бу паттачиларнинг виждонига ҳа-вола.

Хуллас, деҳқонларнинг қадок қўллари, замин саховати билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ёз неъматлари бозорга мунтазир. Бозор эса, харидорга. Халққа хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, уларнинг мева-чевага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, шу билан бирга бозор нархини арзонлаштириш, айниқса, бозорни озода тутиш, бу борада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва талабчанликни кучайтириш керак. Деҳқон ва харидорга етарли шароит яратиб бериш, бозор маъмуриятининг қолаверса, маҳаллий шўроларнинг шу кунлардаги энг зарур ва долзарб вазифаси-ку. Халқнинг кундалик турмуши бозор билан. Агар одамларга қандай бўлсада қулайлик яратишни истасак, бозорларни тартибга солайлик. Халол меҳнати билан маҳсулот етиштирилган деҳқон бозорда ҳеч бўлмаса эркин савдо қилсин, расталарнинг тўри шуларники бўлиши керак. Бозордаги савдо-сотик қанчалик тартибли бўлса, сотувчига ҳам, харидорга ҳам шунчалар фойдали бўлади.


Раҳмонали АҚБАРАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: бозордаги нохуш манзаралар.

Ҳ. СОЛИХОВ суратлари.



МАҲСУЛОТ КЕЛТИРГАНЛАР ХОР-ЗОРМИ?! ЁКИ ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР БОЗОРИДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ХУСУСИДА



ШИРИН

ЯСАНГАН ЭЧКИ

Кўшининг кўнгирак осиб
кўйган эчكىсини кўрган тўрт
ёшли Жасурбек деди:
— Аноним қаранглар, Мак-
суднинг эчكىси ясаниб оли-
ди.

БУЯБ КҮЙГАН ЭКАН

Кўшинларидан чиқиб
келган уч ёшли Нодира она-
сига деди:
— Мама! ака, редискани
суғурди, ҳаммасини қизлга
буюб ерга кўйиб қўйган экан.

Саваҳиддин

шахсий фондига ўқитилган ва
сала Узбекистон ССР Президи-
умининг шу йил 29 апрел
ўтган мажлисига қўйилиши
эмас.

Ўқоридагилардан келиб
да «Тошкент оқшоми» шу
долзарб муаммоларга яна
қайтди. У ўз-ўзидан
тақсимиёт. «Оқшом» назорат
руқини очиб, ҳар ҳафтада
материаллар эълон қилиб
Шубҳасизки, бу ҳуусуддан
мушаррийлар эътиборини
га тортаяпти. Шу ўринда
айт номга келган икки ма-
ўртқолашмоқчимиз.

Мен «Оқшом»нинг сев-
рамаи. У менин 25 йиллик
Қуни-кеча ўқушимиздан
янаги уй-жой тақсимиёт
қилиб руқига қўзим тушиб и-
даги материаллар билан та-
рўзнамонинг ҳаминча давр
нафаслани-ю ва ҳозиржаво
бир қарра ишонч ҳосил қи-
ғи, биз ҳам ана шундай у-
кишларданмиз.

Каталакдек ҳовлида 19
мат қиламиз. Беш нафари
олимагина эғамиз. Гал шу
тибрий райониға қаровил
сида жойлашган 44-уй
торлиқ қилиб қолганлиғи
қамор байрон иқроғия қор-
рожаёт қилганмиз. Ахир ўз
хўнинг ҳовлидондағи ҳар
биттадан хона тўғри келса,
бўладимиз? Албатта, умуми
эғилиб қўйганмиз. Ораддан
ялтиқи, ишимиз ҳеч ол-
Ҳар гал райиқорғуға бор-
ердиғилар бизни тивчлан-
ҳужжатларимизни қайта-ча-
лаб қўришди. «Яқин кул-
берамиз», дейишди. Лек

лингиға малол келәтгәннми сезиб колдани.

Орадан йигирма кун ўти, невареси армиядан кейти. Зифәт нақ тўйға айлани кетди. Меҳмонлар тавозе билан кутиб олиндари. Йўғ ҳам, довлиға ҳам одам сиймәй кетди. Бир тарафда аскиябозлик, бир тарафда шўх ашула, раис азияда. Меҳмонларға кетма-көт суяқ-куяқ ояқлар тортлариди. Юз килограмм гуручдан дамлған нахори ош кимге этиб, кимге этмай ҳам колди.

— Хамма нарсә бәр, карнай-сурнай, отчариларға, фақат келин этишмайпти, — деди киндир йарм кесати, йарм хәзия аралаш. — Қодирли ўли армиядан келгуничә келин топи, ишин пишитиб кўйиғанда тўйни ҳам уткузи юбораверган буларди...

Зифәт тонотарға давом этди. У ёқда... хужрадаги кампирин хамма эсден қиктиб кўйиғанда. У пахлаи чакити тўшқда күнәлиб ётар, юз-кўллариға кўзәтган паш-

балаларни кўтармашга ҳам мадори
етмасдики...
Мана шу воқеа мени кўп-
дан йўлантириб келарди.
Болаларнинг орзу-ҳавасини
ўйлаб, деб тинимсиз оғир
меҳнат остида эзиллиб, улар-
ни уйлаб-жойлабга онахон
охир-оқибатда қор бўлиб дунё-
дан кўз юмди. Қайнасан
нинг жанозасида: «Вой онам,
мени кимларга ташлаб кет-
дингиз», деб соҳ юлган келин
эртаси кунлик «Харитургу-
лидлим-да», деб «эркин» на-
фас қолди. Тўрт набирасини
вой-тароб волага етказган,
келинининг оғирини енгил
қилган қайнона дунёдан ав-
атқилган кўз юмди. Улар
қўли эса кўзи учун бир кун-
гига қуйган бўлди. Ваҳолан-
ки, у ўқимшли, бошқаларга
қодир-ахлоқдан ваъз ўқитгувчи
киши эди.

Эрув бу дунёда ота-онани
тирикчилигида қардаш керак.
Фарзандларнинг улар олди-
даги бурчини ўлчашига на то-

на тарозин бор. Имом
смиал Аб-бухоринийи "Адаб
урдоналари" асарида шундай
ейилди: «Абу Бурда ибн
би Музал ал-Ашъаринийи
тишларига, Абдуллоҳ ибн
мур бир яманик одом ўз
масини опичлаб, хонаи Казъ
ани тугдиб қилдириб юрга-
ни кўрдилар. У одам куйи-
га бейтни оҳанг билан
сирди:
Оназорим учун бўйинимни
этган теваман,
Тевага минган онам
дорсарал ҳам мен чарчамам.
У шуну ўқий туриб Абдул-
лоҳи қареди-да: «Эй Абдул-
лоҳ ибн Умар, мана шу хиз-
матини билан мен онаминг
қилини, адо қила олмадинг-
ми?» — деди сўради. «Юҳ, бу
маънада сени ўқий вақта-
ни онаминг қийнаб тутган
лаъзаринийи биттасига ҳам
қаробер эмас», — деган экан
би Умар.

Жамила АРСЛОНОВА

Ерга тушган уга сәйрәни
күздә яхшы шик кил-
ди, закирлар куә ойнак
таңран хәлдә ыквор бинак
бәлгиз кетәтәйган шик қарши-
дә намоён бўли:

— Гузал қиз, мәнга тур-
мушга қичиңга ровн бўл-
сангиз, сизни ўз сәйрә-
нигизга олиб кетаман, у ерда
800—1000 йил умр кура-
сиз.

— Мәнга совға қилди-
ган миниянғиз борми?

— Сизлардағи энг яхши
деб ҳисоблаган энгил ма-
шинуларни биздәги қич-
китойлар ўйинчәк қилиб
қайдашани, сизга улар ли-
қоқа совға қилган.

Нүзүлхиддан қолмаган,
мехмон, тарелка ҳам «ап-
парет» бўлибдиган, иста-
сам, ерлик теккан эрик
бошида ҳар қанча ликоча-
ни ўзим учира оламан.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўқитувчи.



Душанба *

1 ИЮЛЬ

- УЗТВ I
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Новый ва ялқов». Мультфильм.
- 18.20 Гизар номдаги жумхурият мусиқа мектеб-интернати ўқувчиларининг концерти.
- 19.00 «Хукук ҳаётида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 «Салат дара». Телефильм.
- 20.00 «Санат олами». Ўзбекистон мусаввирларининг кўргазма заллари бўйлаб.
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 Дилрабо концерт.
- 22.00 «Ахборот».
- 22.25 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Навбахор» (Наманган) — «Тилигул» (Тирасполь). Наманган шаҳридан ёзиб олинган.
- 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УЗТВ II
- 18.05 «Ассалоому алайкум» (такрор).
- 19.05 «Спринг».
- 19.35 «Кулиб боқ кичкинтой». Болаларнинг селоматлигини муҳофизат этишга бағишланади.
- ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Душанба кун оқшомда». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 22.25 «Чехраи ҳунар». Жумхуриятда хизмат кўрсатган артист Соҳибсulton Алиязарова.
- MT I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.
- 9.20 Турли мамлакатларнинг эр...

Сешанба *

2 ИЮЛЬ

- УЗТВ I
- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
- 8.35 Такрорий фильмлар экрани. «Совет 12 да бошқик келадил». Бадий фильм.
- 9.50 «Илҳом чашмалари». Болалар учун концерт.
- 10.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» (такрор).
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Пеккан». Мультфильм.
- 18.20 «Келажакимиз—мактабда». Наманган вилояти халқ таълими қодимларининг изланишлари.
- 19.00 Халқаро ҳаёт.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Олим Хўжаев номдаги Сирдарё вилояти театри яққолхонларининг концерти.
- 20.25 «Спортлото».
- 20.30 Москва. «Время».
- УЗТВ II
- 18.05 «Кўнук болалик мамлакатда». Мультфильм.
- 18.25 «02» тўққиздан.
- 18.35 Мансур Маъмиров куйлайди.
- 19.00 «Лҳаз». Хабарлар.
- 19.10 «Шарҳимиз юмушлари».
- 19.50 «Миришорлар».
- ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Сулло». Нейматовлар оилавий ансамблининг киши.
- 21.50 Телефильм.
- MT I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.
- 9.20 Болалар соати (немис тили дарси билан).
- 10.20 «Экранда Сибирь».

Чоршанба *

3 ИЮЛЬ

- УЗТВ I
- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
- 8.35 Такрорий фильмлар экрани. «300» рақамли юк. Бадий фильм (Свердловск киностудияси).
- 9.50 «Ешлик» студияси саволларинижага жавоб беради.
- 10.20 «Иқбол». Арназой ноҳияси кизлари бачи.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Чўртан балиқ амри билан».
- Мультфильм.
- 18.25 «Ешлик оқшони».
- 19.10 «Депутат минбари». Ўзбекистон халқ депутати, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қарорноми Малик Қаймо билан суҳбат.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Зайнаб Мирзатиллаева ва Эркин Раҳмонов куйлайди.
- УЗТВ II
- 18.05 «Билим сарҳаммаси».
- 18.35 Танго оҳанглари.
- 19.05 «Пулс». Хабарлар.
- 19.15 «Эшнинг очинг, бироз калди». Бадий фильм («Мосфильм»).
- ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Туркистон».
- 21.30 «Дилкан». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
- 22.30 Футбол. СССР кубоги. 1/32 финал. «Копет-даг» — «Зенит».
- MT I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.

Пайшанба *

4 ИЮЛЬ

- УЗТВ I
- 8.00 «Ахборот».
- 8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
- 8.35 «Ғалати гаров». Бадий фильм («Ленфильм»).
- 9.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
- 10.30 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик тароналари».
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Водий дорилфунун».
- 18.40 «Шеърини дафтаридан».
- Гулистон Матқубова, Тўлаған Тўхтөв.
- 18.55 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 19.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани».
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Навоий гулшани» кўрсатувининг давоми.
- УЗТВ II
- 18.05 «Болалар» видеоанали.
- ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:
- 20.30 Москва. «Время».
- 21.10 «Субҳи ёвона». Концерт.
- 21.50 «Халқдўстлик кўприклари». Тожикистон ва Афғонистон иқтисодий ва маданий ҳамкорлигида «Пайванд» жамиятининг фаолияти ҳақида.
- 22.40 «Хороба ва Гог». Бадий фильм.
- MT I
- 6.00 «Тонг».
- 8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия.
- 9.20 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
- 10.20 В. Пикайзен чалади (скрипка).
- 11.30 ТСН.
- 11.45 ИВБ маълумотларига кўра...

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ган) — «Тилигул» (Тирасполь). Наманган шаҳридан ёзиб олинган.

00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.05 «Ассалоому алайкум» (такрор).

19.05 «Спринг».

19.35 «Кулиб боқ кичкинтой». Болаларнинг селоматлигини муҳофизат этишга бағишланади.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Душанба кун оқшомда». Бадий-публицистик кўрсатув.

22.25 «Чехраи ҳунар». Жумхуриятда хизмат кўрсатган артист Соҳибсulton Алиязарова.

● MT I

6.00 «Тонг».

8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.

9.20 Турли мамлакатларнинг эр...

ди. «Дастхат».

«Уорлдвинг интерпрайзес» телекомпанияси (АҚШ) таништиради...

18.25 Америка воқеалари.

18.50 «Бевеили Хиллс». Телевизион бадий фильм премьераси.

20.30 «Время».

21.10 «Уорлдвинг интерпрайзес» телекомпанияси (АҚШ) таништиради... «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.

22.00 «Совуқ куз». И. Буннинг шу номли ҳикояси асосида телеспектакли.

22.50 Кўп серияли илмий-оммабоп телефильм премьераси. (ГФР—Швейцария). 1-серия.

23.25 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

23.45 Концерт.

00.30 «Бевеили Хиллс». Телевизион бадий фильм премьераси.

● УЗТВ II

18.05 «Ассалоому алайкум» (такрор).

19.05 «Спринг».

19.35 «Кулиб боқ кичкинтой». Болаларнинг селоматлигини муҳофизат этишга бағишланади.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».

21.10 «Душанба кун оқшомда». Бадий-публицистик кўрсатув.

22.25 «Чехраи ҳунар». Жумхуриятда хизмат кўрсатган артист Соҳибсulton Алиязарова.

● MT I

6.00 «Тонг».

8.30 «Даллас». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия.

9.20 Турли мамлакатларнинг эр...

● MT II

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.20 Ёш томошабинлар театри. «Қиш эртати». 9.50 Билмидонлар учун машқ. 10.35 Талабалар хори куйлайди. 11.10 «Жалолддин Қўрмасов». Телефильм премьераси. Достонинг иқтидор кўмитаси биринчи раундининг фойжали тақдирлари ҳақида (Владикавказ, Маҳачқала).

13.30 «Пешонаси арқираган бўлса...». Телефильм премьераси (Иркутск). 13.50 Болалар учун фильм. «Заборада ёз». 14.55 «Сизга кўйик куйлаб бераман». А. Сери қўйиқлари. 18.30 Вольбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эраклар. Италия — СССР тарма командалари. Италиядан кўрсатилади. 19.30 «Байрамали». Телефильм. 19.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 20.00 Футбол шарҳи. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — МАСК. Днепротроветскдан олиб кўрсатилади.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

22.50 «Едингами, ўртоқ!».

23.20 «Оловнинг тизгинлиниши».

«Узбектефильм».

13.30 «Зумрад шаҳар сехрари». Мультфильм. 1, 2 ва 3-сериялар. 14.30 Болалар учун фильм. «Дангиз бўйидаги таътил» («Арманифильм»).

